



СУРРОГАТ ОНАЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хусанова Диёра Юсуповна

Тошкент давлат юридик университети
“Спорт ҳуқуқи” йўналиши магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19945819>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-aprel 2026 yil
Ma'qullandi: 28-aprel 2026 yil
Nashr qilindi: 30-aprel 2026 yil

KEYWORDS

суррогат она, суррогат оналик шартномаси, генетик ота-она, биологик она.

ABSTRACT

мазкур мақолада суррогат оналик тушунчаси юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари тадқиқ этилган ва суррогат оналик тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Маълумки, “Суррогат” сўзи латинча “*Surrogatus*” сўзидан олинган бўлиб, “Алмаштирилган”, “Бошқанинг ўрнига тайинланган” деган маънони англатади¹. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, суррогат оналик – бу ёрдамчи репродуктив технология бўлиб, унда аёл (суррогат она) ва потенциал ота-оналар ўртасидаги келишувга биноан, аёл бошқа шахслар учун фарзанд дунёга келтириш ва туғилгандан сўнг уни уларга топшириш мажбуриятини олади.

Илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқшунос олима Д.И.Бабажанова ўз тадқиқотида суррогат оналик ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини илмий тадқиқ этган бўлиб, унинг фикрича, суррогат оналик – бу ёрдамчи репродуктив технологияларнинг бир шакли бўлиб, унда аёл (суррогат она) ва ҳомиладорликни ўз танасида ўтказишни истаган шахслар (генетик ота-оналар) ўртасидаги келишувга асосан, аёл бошқа шахсларнинг генетик материалдан ҳосил бўлган ҳомилани кўтариб бериш, туғиш ва болани шартномада белгиланган тартибда ота-онага топшириш мажбуриятини олади².

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим Ж.Дж.Абдуллаевнинг фикрича, суррогат оналик тушунчасига “Фарзанд кўриш қобилиятига эга бўлмаган генетик ота-она (қонуний эрхотин) ва суррогат она ўртасида ёзма келишув имзоланганидан бола туғилиб, генетик ота-онага топширилишигача бўлган жараёнларни қамраб олувчи тизимли жараён дир”, деб таъриф берган³.

¹ (Электрон манба): <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/107/789.htm>

² Бабажанова Д.И., “Ўзбекистон Республикасида суррогат оналик ҳуқуқий тартибга солиш”. Т.: ТДЮУ, Тошкент 2024.

³ Ж.Дж.Абдуллаев “Суррогат оналик муносабатларини шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш”. Юридик фанлар фалсафа доктори (PhD) даржасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2023.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, суррогат оналикнинг тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиатини белгилашда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида *учта* асосий ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув олимлари суррогат оналикнинг юридик табиатини фуқаровий-ҳуқуқий ёндашув асосида илмий-назарий таҳлил қилган ҳолда суррогат оналикни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг бир тури деб ҳисоблайдилар. Ушбу гуруҳ олимларининг фикрича, бу ерда асосий объект – суррогат онанинг болани ҳомиладорлик даврида вужудга келтириш ва дунёга келтириши бўйича “хизмати” ҳисобланади.

Ушбу гуруҳга кирувчи олимлардан бири *Н.В.Пронина* суррогат оналикни фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар доирасидаги “хизмат кўрсатиш” деб ҳисобласа⁴, репродуктив масалалар бўйича мутахассис *К.Н.Свитнев* суррогат оналикни бозор иқтисодиёти тамойиллари асосидаги эркин шартнома деб ҳисоблаган⁵. Ҳуқуқшунос олим *Д.А.Медведев*нинг фикрича, суррогат оналик шартномасини фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида кўриб чиқишни таклиф қилган⁶. Яна бир ҳуқуқшунос олим *В.В.Кулаков*нинг назариясига кўра, фуқаролик ҳуқуқидаги мажбуриятлар тизимида суррогат оналикни шартномавий мажбурият сифатида тадқиқ этишни тавсия қилган ҳолда суррогат оналик институтини фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида тартибга солишни таклиф этган⁷.

Бизнингча, ушбу гуруҳ олимларининг илмий ёндашувига тўлиқ равишда қўшилиб бўлмайди. Агар суррогат оналикни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (ижара ёки пудрат) сифатида кўрадиган бўлсак, инсон танаси ва келгусида туғиладиган боланинг кадр-қимматини предмет даражасига тушиши, бу эса, ўз навбатида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон кадр-қиммати дахлсизлиги тамойилига зид келади.

Иккинчи ёндашув олимлари томонидан суррогат оналик институтни фақат оила ҳуқуқи доирасида, яъни боланинг келиб чиқишини белгилаш усули сифатида талқин қилинган. Жумладан, ушбу гуруҳ олимларнинг илмий назариясида суррогат оналик институтида асосий эътиборни шартномага эмас, балки боланинг келиб чиқиши ва оналик ҳуқуқларининг юзага келишига қаратилган. Ҳуқуқшунос олим *М.В.Антокольская*нинг фикрича, суррогат оналикни оила ҳуқуқидаги “насл-насабни белгилаш” институтининг бир қисми деб ҳисоблаган⁸. Бошқа бир ҳуқуқшунос олим *Н.Н.Тарусина* суррогат оналикни оилавий-ҳуқуқий ҳолатларни (статусларни) ўзгартирувчи юридик факт сифатида баҳолаган бўлса⁹, олим *Ю.Ф.Беспалов* боланинг

⁴ Пронина Н.В. Гражданско-правовое регулирование оказания медицинских услуг по суррогатному материнству: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 18.

⁵ Свитнев К.Н. Правовое регулирование вспомогательных репродуктивных технологий // Практическая медицина. – 2011. – № 5. – С. 27.

⁶ Медведев Д. А. Гражданский кодекс Российской Федерации. Вопросы. Ответы. Проблемы / Под ред. С. А. Хохлова. — М.: Юрист, 2004. — С. 118-120.

⁷ Кулаков В. В. Сложные обязательства в гражданском праве: Монография. — М.: Статут, 2011. — С. 156.

⁸ Антокольская М. В. Семейное право: Учебник. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Юрист, 2010. — С. 256–258.

⁹ Тарусина Н.Н. Очерки теории семейного права. – Ярославль, 2012. – С. 68.

хуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, бу институтни соф оилавий муносабат деб ҳисоблаган¹⁰.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим *А.М.Нечаева* суррогат оналикни соф оилавий институт деб ҳисоблаб, асосий эътиборни туғилган боланинг ҳуқуқий ҳолатига ва ота-оналик ҳуқуқининг келиб чиқишига қаратган¹¹.

Фикримизча, суррогат оналик – бу нафақат тиббий амалиёт, балки биологик воқеликдан ҳуқуқий воқеликка ўтиш жараёнидир. Унда суррогат онанинг “туғиш факти” генетик ота-онанинг “фарзандли бўлиш иродаси” олдида иккинчи даражали юридик факт бўлиб қолиши лозим. Бу эса оиладаги барқарорликни ва боланинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

Учинчи ёндашув олимлари суррогат оналикни фуқаролик, оила ва тиббий ҳуқуқ кесимидаги ўзига хос алоҳида институт деб ҳисоблайди. Хусусан, ҳуқуқшунос олим *Г.Б.Романовский* суррогат оналикни фуқаролик, оилавий ва оммавий ҳуқуқ нормалари кесимида тадқиқ этган¹². Ҳуқуқшунос олим *А.А.Пестрикова* суррогат оналик шартномасини ўзига хос шартнома деб атайди ва уни оилавий-ҳуқуқий натижага йўналтирилган фуқаролик битими сифатида таснифлаган бўлса,¹³ олим *С.В.Борисова* мазкур институтни “репродуктив саломатликка доир битимлар” сифатида алоҳида гуруҳга ажратиш лозимлигини илгари суради¹⁴.

Бизнингча, учинчи гуруҳ олимларининг фикрлари суррогат оналикни тартибга солишнинг энг замонавий ва истиқболли назарий асоси ҳисобланиб, суррогат оналик – бу “репродуктив битим” ҳисобланиб, у ўзига хос ҳуқуқий табиатга эга. Унинг юридик мазмунини “инсоннинг насл қолдириш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган кўп томонлама юридик факт” деб таърифлаш лозим.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш ўринлики, суррогат оналик тушунчаси, юридик мазмуни ва турларини ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида қуйидаги муҳим хулосаларга келинди:

биринчидан, суррогат оналик – бу инсоннинг репродуктив ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган юридик механизмдир. Унинг концептуал негизида “биологик ҳақиқатдан кўра ижтимоий ва генетик масъулиятнинг устуворлиги” ётади;

иккинчидан, мазкур институт тиббий жиҳатдан бепуштликка қарши курашиш чораси, ҳуқуқий жиҳатдан эса мураккаб мажбуриятлар тизимидир;

учинчидан, суррогат оналикнинг муваффақиятли амалга ошиши учун нафақат тиббий технология, балки боланинг, суррогат онанинг ва генетик ота-онанинг ҳуқуқларини тенг ҳимоя қилувчи мустаҳкам қонунчилик базаси зарур. Глобал миқёсда ушбу институт ахлоқий ва диний қарашлар туфайли турлича қабул қилинади, бироқ

¹⁰ Беспалов Ю. Ф. Семейные отношения и семейные споры в практике судах РФ: научно-практическое пособие. — М.: Проспект, 2017. — С. 112–115.

¹¹ Нечаева А.М. Семейное право: актуальные проблемы теории и практики. – М.: Юрайт, 2011. – С. 95.

¹² Романовский Г. Б. Право на искусственное оплодотворение и репродуктивное клонирование. — М.: Юрист, 2012. — С. 102–105.

¹³ Пестрикова А. А. Обязательства, возникающие из договора о суррогатном материнстве: Дис. ... канд. юрид. наук. — Самара, 2006. — С. 110–115.

¹⁴ Борисова С. В. Суррогатное материнство в Российской Федерации: проблемы правового регулирования: Монография. — М.: Проспект, 2012. — С. 42–44.

замонавий ҳуқуқ тизимида ушбу жараёни тақиқлашдан кўра, уни қонуний тартибга солиш ва назорат қилиш самаралироқ йўл сифатида кўрилмоқда.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда суррогат оналик тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Суррогат оналик – бу ўзга шахслар (бўлажак ота-оналар) учун биологик фарзанд дунёга келтириш мақсадида тузилган, ихтиёрийлик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган, махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлган аёл (суррогат она) томонидан ўзганинг генетик материалдан ҳосил бўлган ҳомилани ҳосил қилиш ва туғиш жараёнини қамраб олувчи юридик-репродуктив муносабатлар мажмуидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабажанова Д.И., “Ўзбекистон Республикасида суррогат оналик ҳуқуқий тартибга солиш”. Т.: ТДЮУ, Тошкент 2024.
2. Ж.Дж.Абдуллаев “Суррогат оналик муносабатларини шартномавий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш”. Юридик фанлар фалсафа доктори (PhD) даржасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2023.
3. Пронина Н.В. Гражданско-правовое регулирование оказания медицинских услуг по суррогатному материнству: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 18.
4. Свитнев К.Н. Правовое регулирование вспомогательных репродуктивных технологий // Практическая медицина. – 2011. – № 5. – С. 27.
5. Медведев Д. А. Гражданский кодекс Российской Федерации. Вопросы. Ответы. Проблемы / Под ред. С. А. Хохлова. — М.: Юрист, 2004. — С. 118-120.
6. Кулаков В. В. Сложные обязательства в гражданском праве: Монография. — М.: Статут, 2011. — С. 156.
7. Антокольская М. В. Семейное право: Учебник. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Юристъ, 2010. — С. 256–258.
8. Тарусина Н.Н. Очерки теории семейного права. – Ярославль, 2012. – С. 68.
9. Беспалов Ю. Ф. Семейные отношения и семейные споры в практике судах РФ: научно-практическое пособие. — М.: Проспект, 2017. — С. 112–115.
10. Нечаева А.М. Семейное право: актуальные проблемы теории и практики. – М.: Юрайт, 2011. – С. 95.
11. Романовский Г. Б. Право на искусственное оплодотворение и репродуктивное клонирование. — М.: Юрист, 2012. — С. 102–105.
12. Пестрикова А. А. Обязательства, возникающие из договора о суррогатном материнстве: Дис. ... канд. юрид. наук. — Самара, 2006. — С. 110–115.
13. Борисова С. В. Суррогатное материнство в Российской Федерации: проблемы правового регулирования: Монография. — М.: Проспект, 2012. — С. 42–44.